*Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ*

# КЕЛАЖАК ИЛМУ УРФОН ВА ИСТИҚЛОЛДА

***«Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармонини ўқиб...***

Жаҳон цивилизацияси босқичларига назар ташлар эканмиз, нажот илму урфон ва миллий истиқлолда эканига ишонч ҳосил қиламиз. Бу дегани шуки, мустақил бўлмаган халқнинг илм-фани равнақ топмайди. Шунингдек, илм-фани ривожланмаган миллат сиёсат саҳнасида ўзини кўрсата олмайди. Яъни, бундан олти йил аввал миллий истиқлолга эришмаганимизда, ушбу Фармоннинг қабул қилинишини тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди.

Ушбу Фармоннинг биринчи бандида унинг мақсади аниқ қилиб белгиланган: Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Академиясини қайтадан ташкил этишдир.

Республикамизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш зарур. Бу маълум ҳақиқат. Чунки ягона сайёрада, бирбутун жаҳон ҳамжамиятида бир аъзо бўлиб яшар эканмиз, жаҳон илмий ҳамжамиятида ҳам ўз ўрнимиз бўлишини тақозо этади. Зотан, жаҳон илмий ҳамжамиятида ўз ўрни бўлган халқнинггина жаҳон миқёсидаги мавқеи иззат-икромли бўлажак. «Бекнинг ўрни бежоғлиқ бўлади», деган ақида энди ортда қолиб кетди, эскирди, таомилдан тушди. Бундан буёғига илму урфонда илғор бўлган халқнинг ўрни бежоғлиқ бўлажак.

Энди эътиборингизни «минтақаларда фанни янада ривожлантириш» иборасига қаратамиз. Ягона Ватан туйғуси, умуммиллат тушунчаси ва манфаати устивор бўлган сиймоларгина пойтахт ва минтақалар равнақи учун бирдек қайғурадилар, бирдек ташвиш қиладилар. Минтақаларда ҳам фанни янада ривожлантириш одати бизга анъанадир, буюк аждодларимиздан меросдир. Бунга иккита мисол келтирамиз. Мирзо Улуғбек доруссалтанати Самарқандда ва ўша вақтда вилоят шаҳарлари бўлмиш Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар қурдиради. Алишер Навоий ўзи қурдирган 157 иншоотнинг бирини тарихий Хуросон мамлакатининг олис вилоятларидан бирининг маркази Марв шаҳрида бино қилган. Бу ҳозирги кунгача сақланиб келаётган Низомия мадрасасидир.

Ушбу Фармонда қайд этилган минтақаларда фанни янада ривожлантириш тадбирлари истиқлолга эришилган дастлабки йилларданоқ бошлаб юборилган эди. Бунга республиканинг деярли барча вилоят марказларида университетлар очилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Илгари эса фақат Тошкент ва Самарқанддагина университетлар мавжуд бўлиб, булардан бири Самарқанд республика пойтахти бўлиб турган йигирманчи йилларда очилган Педагогика олий ўқув юрти асосида ташкил этилганди. Олий ўқув юртлари асосан пойтахт Тошкентда жамланганди, илм-фан аҳли ҳам, асосан, Тошкентда фаолият кўрсатарди. Фундаментал илм-фан билан шуғулланувчи илмий-текшириш институтларининг деярли ҳаммаси Тошкентда эди. Ваҳоланки, тараққий этган мамлакатларнинг барча минтақаларида фан ривожланишига бирдек эътибор берилади. Масалан, АҚШ, Олмония, Франция, Италия, Англия, Япония каби давлатларда худди шундай. Республикамизда ҳам шундай оқилона йўлдан борилмоқда. Ушбу Фармон бу борадаги янги бир дадил ва тарихий қадам ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишда бир тадбирдир. Демак, Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш иши олдиндан ўйланган ва англаб етилган, дунё андозаларига хос ва миллий анъаналаримизга мос, изчил ва узлуксиз фанний сиёсатдир, десак янглишмаймиз. Фармонда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш вазифалардан бири сифатида таъкидланишининг боиси ана шундадир.

Халқимизда минг йиллар давомида синалган, тарих тажрибасидан ўтган бир удум бор. Бу удумнинг моҳиятини кўрсатиш учун бир-иккита оддий мисол келтирамиз. Масалан, қаровсизлик, эгасизлик, эскириши туфайли ёки шу каби бошқа бир сабаб билан иморатнинг путури кетса ёки нураса, янги иморатни бошқа бир жойга эмас, эскисининг айни ўрнида қурилган. Саройлар, масжиду мадрасалар ва шу каби жамоат бинолари билан ҳам шундай бўлган. Ўн марталаб қайта тикланган масжидларни биламиз. Бухоро Арки кейинги етти ярим аср ичида худди шу ўрнида уч марта қайта бино қилинганидан хабардормиз. Чоризм маъмурлари Туркистон ўлкасида суриштириб-нетиб ўтирмай дуч келган жойга қурдирган қанчалаб қишлоқ ва шаҳарчаларни сув суриб, сел олиб кетганидан, кўчки остида қолганидан ҳам хабардормиз.

Қайта тиклаш авлоднинг аждод олдидаги бурчи, арвоҳ хотири, замонавий ибора билан айтганда, инсонлик шарафидир.

Маъмун академияси бутун Ислом дунёсида шу типдаги иккинчи академия эди, биринчи академия Бағдодда тузилган бўлса-да, лекин унинг асосий илмий кучлари — асли туронлик олимлар эдилар. Буни қарангки, иккала академияни ҳам ташкил этувчилар адаш (отдош) — исмлари Маъмун эди. Бири халифа Маъмун, иккинчиси Хоразмшоҳ Маъмун эди.

Машҳур Бағдод халифаси, яъни Араб халифалигининг бош ҳукмдори Хорун ар-Рашид мамлакатнинг Хуросон ноиблигига ўз ўғли Маъмун ар-Рашидни тайинлайди. Илм-фан ҳомийси сифатида донг қозонган Маъмун ноибликнинг маркази бўлмиш Марв шаҳрига атроф ўлкалардан, жумладан, Хоразм, Фарғона, Шош, Фороб (Шошнинг шимолида) ва бошқа вилоятлардан олимларни тўплаб, ўз саройида уларнинг илмий ишларига шароит яратиб беради. У ёшлигидан турли илмлардан хабардор бўлган. Унинг саройида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий, Исмоил Жавҳарий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Аҳмад Фарғоний каби туронлик машҳур олимлар фаолият кўрсатишган.

Милодий 813 йили халифалик тахтига Маъмун ар-Рашид ўтиради ва ўзи билан Бағдодга Марвдаги сарой олимларини ҳам олиб келади. Муттасил 20 йил, яъни 813 йилдан 833 йилгача давлатни бошқаради, илм-фан равнақига зўр аҳамият беради. Барча етук олимларни «Байтул-ҳикма» («Донолар уйи») га — «Маъмун академияси»га уюштиради. Ушбу академияда кўплаб олимлар, таржимонлар, хаттотлар хизмат қиладилар. Олимлар илмий иш — тадқиқот билан шуғуллансалар, таржимонлар сурёний, қибтий, санскрит, юнон, лотин ва бошқа қадимий тилларда ёзилган ноёб асарларни арабчага таржима қилардилар, хаттотлар эса асарларнинг қўлёзма нусхаларини кўпайтирадилар. Шуниси диққатга сазоворки, бу таржима асарларнинг, биринчи навбатда, юнонча ва лотинча асарларнинг асл нусхалари Оврупода юз берган инквизация оқибатида ёндириб, йўқотилиб юборилган. Таржималар сақланиб қолган. Оврупоroutликлар кейинчалик ана шу Маъмун академияси аъзолари томонидан қилинган таржима асарларни арабчадан қайта ўз тилларига таржима қилиб, ўз меросларини тикладилар. Маъмун академияси ўз даври учун ҳам, кейинги кўп асрлар учун ҳам, умуман олганда, бутун жаҳон цивилизациясида буюк бир ҳодиса эди. Академия олимларининг аксарияти Ўрта осиёлик эдилар. Математик ва астрономларнинг эса ҳаммаси туронлик, шу жумладан, хоразмлик эдилар. Туроннинг кўпгина минтақалари, жумладан, Хоразмнинг деҳқончилиги, маданияти ва тараққиёти азалдан суғоришга асосланган. Бу эса математика ва астрономияга мустаҳкам боғлиқ. Йилнинг қандай келиши, об-ҳаво, ёғингарчиликнинг миқдорини олдиндан аниқлаш илми нужум — фалакиёт — астрономия равнақини, математика ривожини талаб қиларди. Шу сабабли суғорма деҳқончилик мамлакатларида, жумладан, Хоразмда астрономия ва математика устивор мавқеда бўлган, бошқа фанлар қаторида бу фанлар ривожига зўр аҳамият берилган. Бу ҳаёт талаби эди. Хоразмдан буюк астрономлар, математиклар чиқиши боиси ана шундадир.

Бағдоддаги Маъмун академиясида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий — буюк аждодларимиз то инсоният тургунича ўз аҳамиятини йўқотмайдиган ўлмас кашфиётлар яратганлар. Даҳо олим — буюк математик ва астроном ал-Хоразмий милодий 780 йили (баъзи манбалар бўйича 783 йили) Хивада таваллуд топиб, милодий 850 йили Бағдодда вафот этади. Бағдодга таклиф этилгач, аввал халифа ал-Маъмун ибн Хорун ар-Рашид (813—833), сўнгра ал-Мутасим (833—842) ва ал-Восиқ (842—847) саройларида, яъни Маъмун академиясида ишлайди, тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади. Буюк ватандошимиз ўз мавқеига кўра олимларга етакчилик қилган бўлса-да, ҳозирги иборага кўра Маъмун академиясига раислик (президентлик) қилгани ҳақида расмий маълумот учрамайди, бироқ ушбу академиянинг кутубхонасига мудирлик қилгани аниқ. Халифа ал-Маъмун ва ал-Восиқлар даврида китоб йиғиш учун ал-Хоразмий бошчилигида учта сафар уюштирилади. Буларнинг биринчиси 830 йили атрофида Ғарбий Ҳиндистонга уюштирилади. Ал-Хоразмий бу сафаридан ҳинд рақами ва ҳисоблаш қоидасига доир маълумотларни олиб келади, уларни ўзининг арифметик асарида акс эттиради, ҳисоб-китоб бобида қулайлик яратади, ҳозир бутун дунёда қўлланилаётган ҳисоб рақамлари «I» дан «9»гача ҳамда «0» ана ўша даврдан бошлаб кенг муомалага киради. Бу буюк аждодимизнинг улуғ хизматларидан биридир.

Ал-Хоразмий бошчилигидаги иккинчи экспедиция Рум (Византия) мамлакатига юборилган. Бу экспедиция Эфес шаҳри яқинидаги ғор билан боғлиқ бўлган «Асҳоб ул-Каҳф» ҳақидаги ривоятни аниқлаш учун халифа томонидан юборилган эди. Маълумки, Қуръони каримнинг 18-сураси «Каҳф» деб аталади. Бу сура бир юз ўн оятдан иборатдир. Сурада кишиларнинг Тангри таолога бўлган иймон-эътиқодларини мустаҳкамлаш учун энг гўзал, ибратли қиссалардан учтаси сўйлаб берилади. Улардан биринчиси «Асҳоб ул-Каҳф» қиссаси бўлиб, унда золим ҳоким истибдодидан дину иймонларини сақлаб қолиш учун жонларини фидо қилган йигитларнинг бир каҳфга — ғорга паноҳ тортиб киришиб, у жойда уч юз йил қолиб кетишгани ҳақида ҳикоя қилинади. Қуръони каримда тилга олинган ана шу ғорни аниқлаш ва ўрганиш ишига буюк аждодимиз раҳбарлик қиладилар, олимлик ва мусулмонлик бурчларини бажарадилар. Буни таъкидлашимиздан мақсад шуки, совет даврида ал-Хоразмий ҳақида нашр қилинган деярли барча катта-кичик китобларда «Унинг асарлари дунёвий фанларнинг ислом фанидан мустақил ривожланишига йўл очди. Хоразмийнинг фан соҳасидаги ютуқлари ўрта асрларда ҳукмронлик қилган дин ва схоластик-идеалистик фалсафага қаттиқ зарба беради, ислом динининг табиат тўғрисидаги уйдирма ёлғон даъволарини фош этди», каби нотўғри фикр билдирилган. Ваҳоланки, ал-Хоразмий ўз даврининг фарзанди, бунинг устига ўша даврда бутун ислом дунёсининг маркази бўлган Бағдодда, амирал-мўъминин халифа саройида фаолият кўрсатган. Умуман олганда, олим фалончини ёки фалон нарсани фош қиламан, деган фикрда бўлмайди, у илм билан шуғулланади, кашфиёт яратади.

АЛ-Хоразмий бошчилигидаги учинчи экспедиция Хазарияга — Итил (Волга) дарёсининг қуйи оқими, Касбий денгизининг шимолий ва шимоли-ғарбий қирғоқлари ҳудудларини эгаллаган мамлакатга уюштирилади. Мазкур экспедициядан мақсад Хазарияни илмий ўрганиш билан бирга, бу ўлка халқлари ўртасида ислом динини ёйиш эди.

Ал-Хоразмий Бағдоднинг Қутраббул маҳалласида яшайди. Шаммосия маҳалласида жойлашган расадхонада Яҳё ибн Абу Мансур билан бирга астрономик кузатишлар олиб боради. Бу расадхонада Птолемейдан сўнг Қуёшнинг энг катта оғиши ўлчанади.

Шарқ ва Ғарб олимларининг ёзишларича, ал-Хоразмийнинг «Алгоритмий (ал-Хоразмий) ҳинд ҳисоби ҳақида», «Астрономия санъатига кириш», «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала» (қисқа номи «Ал-жабр» — «Алгебра»), «Зижи ал-Хоразмий», «Устурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш», «Китоб ар-руҳома», «Тарих китоби», «Яҳудийларнинг эралари ва байрамлари ҳақида рисола», «Китоб сурат ал-ард» («Ернинг сурати»), «Устурлобларни амалда қўллаш ҳақида китоб»лари бизгача етиб келган ҳамда инглиз, лотин, олмон, рус, фаранг ва бошқа тилларга таржима қилинган, уларга шарҳлар ва изоҳлар ёзилган.

Ал-Хоразмий алгебранинг отасидир. Ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий атамаси — «алгоритм» («алгорифм») ал-Хоразмий исмининг лотинча ёзилиши ва талаффуз қилинишидан келиб чиққан. Буюк аждодимиз Ғарб олимларидан 800 йилча аввал кўп илдизли тенгламаларни ечиш усулларини, синус, косинус, тангенс қоидаларини кашф этиб, муомалага киритган.

Ал-Хоразмий «Ал-жабр вал-муқобала» асарида олимларни уларнинг ишлари характери бўйича уч гуруҳга бўлади: 1. Улардан бирлари ўзларигача қилинмаган ишларни қилиб, уни келажак авлодга қолдириб, ўзгалардан ўзиб кетадилар; 2. Ўзгалар ўтмишдошлари меҳнатларини шарҳлаб берадилар ва бу билан қийинчиликларни енгиллаштирадилар, қулфларни очадилар, йўлларини ёритадилар, бу эса тушунишни осонлаштиради. 3. ...Ёки бу одам баъзи китоблардаги нуқсонларни топади ва узилганларни улайди.

Шу тоифалаш бўйича ал-Хоразмийнинг ўзини «Алгебра» асосчиси сифатида биринчи гуруҳга, арифметика соҳасидаги илмий фаолияти билан иккинчи гуруҳга киритиш мумкин. Ал-Хоразмийнинг иккинчи математик асари — «Алгоритмий (ал-Хоразмий) ҳинд ҳисоби ҳақида» (Ҳисоб ал-ҳинд) китоби ҳам фан тарихида жуда муҳим аҳамият касб этган ва ҳамон шундай; то Ер юзида ҳисоб-китоб бўлар экан, унинг аҳамияти заррача пасаймайди. Асар ўнлик тизим рақамлари (0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9) га бағишланган. Ал-Хоразмий Ҳиндистонда муомалада бўлган бу рақамларни соддалаштирди ва биринчи бор араб тилида баён этди. Бу тизим ёйилгунга қадар анча қўпол ва ноқулай бўлган хилма-хил саноқ усулларидан фойдаланарди. Ўнлик тизимнинг кашф этилиши саноқ бобида чинакам инқилоб бўлди. Мазкур тизимнинг қулайлиги шундаки, 1 дан 9 гача бўлган рақамлардан фойдаланиб ва «0» (нол) ёрдамида энг катта сонларни аниқ ёзиш мумкин. Бу саноқ усули X асрдан бошлаб, араб рақамлари номи билан аввал Оврупога, кейин бутун жаҳонга ёйилган.

Ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-ард» номли жуғрофияга оид асарида 637 та муҳим жойлар, 209 та тоғнинг жуғрофий тафсилоти берилган, дарёлар, денгизлар ва океанлар ҳавзасининг шакли, уларда жойлашган оролларнинг муҳим координатлари билан баён қилинган.

Милодий 827 йили ал-Хоразмий раҳбарлигида Ер куррасининг катталигини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди. Меридиан градуси узунлиги ўрта ҳисобда 112 километрга тенг қилиб олинган. Бу натижа аниқдир.

**Давоми бешинчи бетда**

# ҚУРИЛИШГА КЕЛГАН ОЗОДЛИК

Хушхабар. Янгича тартибда қурилаётган уйнинг ярми битди. Айни кунларда буюртмачи фуқаролар келиб, ўзларига тегишли хонадоннинг ички жиҳозлари, безакларидан ўз дидларига мосини танлаб, қурувчиларга тавсия этишмоқда. Масалан, қайси хонага қанақа ва қайси гулқоғоз ва линолиум, қандил ва газўчоқнинг қанақасидан, эшик-дераза тутқичларининг қай бири-ю, сув жўмракларигача — ҳаммаси бир йўла уй соҳиби билан бамаслаҳат танлаб қўйилаётир.

«Қизиғ-у?! Айни муддаоку!» дейсизми? Ҳа, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида бўлаётган ўзгаришлар қурилиш оламига ҳам кириб келди. Уй-жой қурилишидаги бир хиллилик барҳам топмоқда. Биноларнинг ташқи кўринишлари ҳам, ички қиёфалари ҳам, миллий турмуш тарзимизга мос турли тузилмалари ҳам ранг-баранглашди, у ерда яшовчиларнинг кўнглига мослашди. Бунга қурилиш соҳасидаги яккаҳокимликка барҳам бериш орқали эришилди.

Қурилишда яккаҳокимлик буюртма билан ишлайдиган қўли гул усталар ҳаётида ҳам, йирик қурилиш трестлари фаолиятида ҳам ҳукм сурарди. Сир эмас, бир Уста ўз шогирдлари билан бир вақтнинг ўзида 4-5 жойда иш бошларди ва уларнинг ҳар бирида кунда 2-3 соатдан ишларди ёки аксинча: қурилишларнинг ҳар бирига кун — кун ора бориб иш юритарди... Натижада бир йўла бир нечта бино қад ростлайди (ёки таъмирланади), аммо ҳаммаси ҳам туя гўшти е-е-еб, 3-4 йилда битарди. Бир ташкилот баъзан ўнга яқин йирик иншоотга буюртма олиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнарди.

Бугун банди қурилиш тизимида ҳам озодлик нафаси кезяпти. Бу соҳада аввалгидек монополия ҳукм сураётган бўлганида, буюртмачи бир шаҳарда тикланадиган иморат тақдирини бошқа шаҳардаги ташкилотга топшириб қўярмиди?

Ҳа, бултур республика матбуоти уй-жойга талабгор фуқароларимизга янги бир қулайлик яратилганини маълум қилди. Турар-жойга харидорлар саноат-қурилиш банкларида очилган янги бўлимга қурилажак уй қийматининг маълум миқдорини тўлаб бўнак берадилар. Иш бошлаш учун етарли умумий маблағ тўплангач, қурилиш бошланади. Мижозлар уй баҳосининг қолган қисмини аста-секин тўлаб узадилар. Бу, бир қарашда, уй қурилишининг аввалги кооператив шаклига ўхшайди. Лекин, иш жараёни ва низоми билан танишгач, биз бу уйлар мутлақо янгилик эканига ишондик. Унинг айрим тафсилотларини юқорида баён этдик, лекин асосий гап янада муҳим томонида: бу янги кўп қаватли уйлар том маънода шахсий, хусусий уйлардир!

Хуллас, қурилишнинг бу янгича шаклини ишлаб чиққан республика «Ўздеҳқончиликқурилиш» республика ишлаб чиқариш-қурилиш бошқармаси Қўқондаги 2-агроқурилиш очиқ ҳиссадорлик жамиятига пойтахтда майдони 1650 квадрат метрли 16 хонадонли уй қурилишига буюртма берди. Бу ишни тезроқ рўёбга чиқариш учун жамият ўз таркибидаги 94- ва 99-қурилиш бўлинмаларидаги бригадаларини Тошкентга юборди. Ҳар 2 бригада зўр ҳафсала билан бошлаган иш, мана бугун, мўлжалдаги 12 ойда эмас, 9 ойда ниҳоясига етиб турибди.

Акмал Икромов тумани ҳудудида сўнгги пардозлаш ишлари бораётган 4 қаватли ғиштин уйдамиз. Иморатнинг дераза пешоналарига ҳам ёғин-сочиндан ҳимояловчи «қошлар» ўрнатилган. Ичкарига кирадиган йўлак (коридор)нинг ўзи катта бир хона, худди ўзимизнинг даҳлизлар мисол. Кенг ва ёруғ меҳмонхоналарда оилавий маросимларни бемалол ўтказиш мумкин. Энг зарур хоначалар ҳам аввалгидадек меҳмонхона қаршисида ёки кираверишда эмас, махсус йўлакда — кўздан анча нарига жойлашган... Қисқаси, ҳар бир хонадоннинг умумий майдони — 100 квадрат метрдан ортиқ!

Иш бошқарувчилар Хурсанали Мадраҳимов билан Султонали Қамбаровни ишчиларга маош тарқатаётган чоғда учратдик. Хурсанали эндигина Қўқондан келиб турган экан. У бригада аъзоларининг ойлик иш ҳақини олиб келибди. Ишлаётган 16 киши ўртача ойига 7 минг сўмдан маош олди. Бригада аъзолари навбат билан Қўқонга бориб, болачақасини кўриб, топганини оилага топшириб келишаркан. Иш юритувчилар бизга Солиев Худойберди, Мансуров Шарофиддин, Каримбердиев Сиддиқжон, Тоштемиров Неъматжон, Умаров Зоҳиджон каби илғор ишчилар номларини фахрланиб айтишди. Қурилиш ишларининг узлуксизлигини таъминлаган Ўзгариш даҳасидаги Темир-бетон заводи, Сергелидаги Ёғоч материаллари комбинати, Паркентдаги Ғишт заводи жамоаларининг муносиб ҳамкор эканлигини таъкидлашди.

Қўқонликлар пардоз бераётган бино рўбарўсида яна бир ғиштин бино тикланаётган экан. Лекин у бу уйдан узунроқ. Унинг 4 жойида 4 гуруҳ қурувчилар қизғин иш билан банд.

— Бу қурилиш ҳам сизларга қарашлими?

— Буюртмачи бир. Лекин бу ҳамкасбларимиз Бухоро, Хоразм томонлардан келишган. Бу уй — 32 хонадонлик. Уни тўртта бригада қуряпти. Тенг бошлаганмиз.

— Демак, Сизлар илғор чиқибсизлар-да! Энди уйга — Қўқонга қайтиш вақти яқинлашиб қолибди-да!

— Йўқ. Биз пойтахтда қолиб, яна битта шунақа хусусий уй қуришга буюртма олдик. Болаларни кўриб келиб яна ишга!

Саволларимга гоҳ Хурсанали, гоҳ Султонали жавоб берарди. Уларнинг кўзларида ғайрат чақнаб турарди. Бу серғайрат, серзавқ йигитлар бажараётган ишларидан ажиб бир нашида, сурур олаётгани шундоққина кўриниб турибди.

Қўқонлик ва улар билан ёнма-ён тер тўкиб, жўшиб ишлаётган хоразмлик, бухоролик бу йигитларга қараб туриб, бир вақтлар буюртмани олволиб, хомашё вақтида келмаганидан кўтарма кранлар устида тинмай папирос тутатиб ўтирган, ерда — бетон плиталар устида мудраб ўтирадиган қурувчилар — ҳунарманд, қўли гул усталар эсимга тушди... ва беихтиёр «Бунча тотлисан, Озодлик! Кел, ҳамма жойга, ҳар соҳага кириб бор. Тозала, ёрит! Мудроқ дилларга ғайрат, нашида бахш эт!», дедим беихтиёр.

**М. МУРОДОВА**

# ГАЗЕТА ҚАЧОН ЎҚИЛАДИ?

*Муҳокама учун мавзу*

Бугун «тўртинчи ҳокимият» деб ном олган журналистика сўнгги вақтларда бироз жонланганини матбуотимизнинг кечаги ва бугунги даражасини кузатиб бораётган ўқувчи аниқ ҳис қилади. Негаки, «ёниб ёзилаётган» мақолалар, қиёсий-таҳлилий чиқишлар ҳар ҳолда оз эмас ва, айтиш жоизки, улардан қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Ҳар тонг ишга ё ўқишга йўл олиб газета дўконлари олдида навбат билан янги газета, журнал харид қилаётган муштарийларга кўзимиз тушади. Демак, ҳукуматимиз, шахсан Президентимизнинг матбуот сўзи таъсир даражасини ошириш тўғрисидаги даъвати бесамар кетмаётир. Таҳририятларга турлича фикр-мулоҳазалар битилган мактубларнинг келиб тушиши эса бундан 3-4 йил олдин бозор иқтисодиёти тўфонига тушиб, ҳатто телевизор кўришга-да вақт тополмай қолган халқимиз қалбида яна маърифий баркамоллик туйғуси, маънавиятга интилиш ҳисси оловланаётганидан даракдир.

Бироқ, ана шундай дилга ёқар ажойиб сўзлардан сўнг ҳам кўнгилнинг қай бурчакларидадир оғриқ нуқталар азоб бериб қолади. Ўз-ўзидан «Аҳвол ҳамма жойда ҳам шундайми, ёки фақат пойтахтдами? « деган ҳақли савол туғилади. Қизиқ: республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам йиллар давомида қотиб қолган дунёқарашларга ўзгариш даражаси, маънавий юксалиш ривожи бир хилми? Бугуннинг гапи мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига қадар ўз вақтида етиб бораяптими? Республикамизнинг асосий қисмини ташкил қилган қишлоқ аҳолиси бугунги ислоҳотлар моҳиятини тўла англаб етаяптиларми? Бунда матбуот, хусусан, газеталар қандай рол ўйнамоқда? ..

Яқинда Қашқадарё воҳасида бўлиб, шу ва шу каби саволларга жавоб топгандек бўлдим. Вилоят маркази саналмиш Қарши гўзал куз табиати билан янада чирой очгандек. Шаҳарнинг қай бурчига боқманг, ўзига хос миллий, меъморий бинолар, турли тижорат масканлари ўз салобати, кўрки билан кўр тўкиб турибди. Шаҳар ободончилиги, тозалигини кўриб эса кўзингиз қувнайди. Аммо не ажабким, ана шундай мақтовга сазовор шаҳарда матбуот тарқатиш дўкончаларини топиш, топганларингиздан эса истаган газета ёки журналларингизни сотиб олиш амри маҳол. Нимага дейсизми? Марҳамат.

Вилоятнинг энг йирик илм масканларидан ҳисобланган Қарши Давлат университети биносига кираверишда жойлашган киоскада ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтирган сотувчи аёлдан бир кун аввал — ҳафтанинг жума куни сотувга чиққан газеталарни сўрайман:

— «Опа», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» борми?

Опа қисқагина ва созгина жавоб қайтарди:

— «Пониделник»да бўлади.

— «Спорт»чи?

— Уям.

Ўқиш иштиёқи ё қизиқиш сабаб бўлибми, газета дўконларини шаҳар бўйлаб излашга тушдим. Ва, ҳар сафар аслида бармоқ билан санарли бўлган дўкончаларнинг «камбағаллигидан» пашша қўриб ўтирган опахонларга дуч келиб ҳафсалам пир бўлди. Энг асосийси, опа айтган «пониделник» куни ҳам излаганларимни топа олмадим...

Ўйлаб кўрайлик. Республика газеталари вилоят марказларига ҳатто 3-4 кундан кейин ҳам етиб бормаса, вақтида ўқилмаса газетани минг машаққат билан чиқараётган журналистларнинг меҳнати бесамар кетмайдими? Вилоят марказидаги аҳвол шундай экан, чекка қишлоқ, овулларни гапирмасак ҳам бўлар...

Ўзига хос «тадқиқот»имни давом эттириб, Косон туманидаги Гувалак жамоат ширкат хўжалигига қарашли бир қанча қишлоқларга газета-журналларнинг ўз вақтида келиш-келмаслиги билан қизиқдим. Адашмаган эканман, қишлоқларда аҳвол янада ачинарли. Хўжалик бўйича ўнлаб кишилар турли матбуот органларига обуна бўлишган бўлса-да, уларни ўз вақтида олишолмас, талаб қилавериб эса чарчашган экан. Хўжалик ҳудудида жойлашган мактабларнинг баъзи ўқитувчилари газета ўқиш у ёқда турсин, ҳатто мактаб қайси газета-журналларга обуна бўлганлигидан ҳам бехабар. Улар фақат ойлик маошларидан обуна учун маълум сўмлар тўлашганини билишади, холос. Ахир, биз келажагимиз бўлмиш — ҳозирда мактаб парталарида ўтирган ўқувчи-ёшларни матбуотдан, умуман, бугунги ўзгаришлар моҳиятидан бехабар ўқитувчиларга топшириб қўймаганмиз-ку!

Биз тез-тез ислоҳотлар руҳи жойларга етиб бормаётганлигидан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, иқтисодий билим савияси пастлигидан нолиб қоламиз. Бунинг сабабларидан бири матбуот тарқатиш ишига масъулларнинг ўз вазифасига лоқайдлик билан қарашлари, республикамизда кечаётган жараёнларни тўла англаб етишмаётганлиги ҳам эмасмикин?

**Камол ОЛЛОЁРОВ**



# ТЕМУРИЙЛАР ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик... Бу муқаддас туйғулар Амир Темур қалбини у улуғ зот эсини таниганиданоқ бутунлай эгаллаб олган эди. Шу туфайли буюк бобомиз барча куч-ғайратини, ақл-идрокини азиз ватанини босқинчилардан озод қилишга, она халқи эркин яшайдиган қудратли салтанатни барпо этишга қаратди. Ўзининг эзгу мақсадига эришди ҳам! Соҳибқироннинг фарзандлари — темурий шаҳзодалар унинг йўлини давом эттиришга уриндилар. Атоқли шарқшунос, билимдон темурийшунос олим Турғун Файзиев кўп йиллар мобайнида Амир Темур ва темурийлар сулоласининг шажараси устида илмий-тадқиқот олиб бориб, мазкур сулолага мансуб 193 нафар шаҳзода ва 300дан зиёд маликаларнинг исм-шарифларини аниқлашга муваффақ бўлди. Бу сулола Мовароуннаҳрда ва Хуросонда XVI асрнинг бошларигача, Ҳиндистонда эса XIX асрнинг 50-йилларигача давом этди. Турғун Файзиевнинг тўғри таъкидлашича, темурийлар мазкур маврусий салтанатда 488 йил ҳукмрон бўлиб турдилар.

Жаҳон тарихида бунчалик узоқ умр кўрган сулола кам топилса керак!

Халқимизнинг ана шундай буюк тарихини истиқлол шарофати билангина, Юртбошимизнинг катта саъй-ҳаракатлари туфайлигина ўргана бошладик. Бугунги кунда Темур ва темурийлар тарихи, умуман халқимиз тарихи қизғин ўрганилмоқда, тарихимизнинг йирик масалаларини ойдинлаштиришга бағишланган илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Шу йил 14 ноябр куни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамда Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Амир Темур ва ватанпарварлик тарбияси» мавзуидаги илмий конференция фикримизга бир далилдир.

Анжуманда Миср элчихонасининг ходимлари, афғонистонлик машҳур шоира ва олима Шафиқа Ёркин, адабиётшунос олим Ҳалим Ёркин, шарқшунос олимлар, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар қатнашдилар. Илмий конференцияни институт ректори, профессор Баҳром Қодиров очди. Ёзувчи ва олим И. Ғафуров, профессорлар: Н. Комилов, Ҳ. Бобобеков, академик Э. Ртвеладзе, афғонистонлик олим ва шоир А. Ш. Жузжоний, шарқшунос олимлар — С. Ғаниева, Т. Файзиев, О. Бўриев, М. Содиқов, Ғ. Каримов Амир Темур ва темурийлар тарихига доир янги фикрларни, кейинги пайтда аниқланган ноёб маълумотларни мажлис аҳлига изҳор этдилар.

Илмий анжуман Республикамизда Ватанимиз тарихини, жумладан темурийлар сулоласининг тарихини ўрганиш, тадқиқ қилиш самарали бораётганини кўрсатди.

**М. САЪДИЙ**

# ИТАЛИЯЛИК СОЗАНДАНИНГ КОНЦЕРТИ

18 ноябр куни Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясида симфоник мусиқа концерти бўлди. Концертда италиялик созанда, машҳур пианиночи Альберто Померанц иштирок этди. У Моцартнинг «Фигаронинг уйланиши» операсидан увертюра қисмини, шу композиторнинг фортепиано ва оркестр учун ёзилган 25-концертини, шунингдек, буюк композитордан Россинининг «Никоҳ вексели» операсидан увертюра қисмини ижро этди. Созандага консерваториянинг Владимир Неймер раҳбарлигидаги мусиқали театр студияси симфоник оркестри яқиндан ёрдам берди.

Италия ва ўзбекистонлик санъаткорларнинг бу ҳамкорлиги яхши самара бергани тингловчиларнинг эътирофидан яққол сезилди. Бу каби маданий алоқалар дўстлик риштаoriginal мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Шаҳноза ОЙХЎЖАЕВА**

*Халқ артисти Ойимхон Шомуротованинг 80 йиллиги*

# САҲНАДА... ТУҒИЛГАН САНЪАТКОР

Бу буюк санъаткорни йўқотганимизга анча вақт ўтган бўлса-да, барибир у ҳақда гапирганда ўтган замон феълини қўшиш ниҳоятда оғир. Ойимжон Шомуротова умрининг сўнгги дақиқаларига қадар ўз халқининг севимли фарзанди сифатида элу юрт хизматида бўлди. У одамлар ёдида гоҳ саҳнада куйлаётган, гоҳ йиғинларда сўзлаётган, гоҳ катта оиласининг меҳрибон қучоғида оналик гаштини сураётган қиёфада сақланиб қолди.



Унинг санъати ўтган давр билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўрнини янги истеъдодларга бўшатиб берган бўлса-да, санъати, ўзининг бутун ҳаётини бахшида этган севимли санъати оламидан бир дақиқа ҳам айрилмади.

Ойимхон Шомуротованинг санъатдаги даври Тамарахоним, Роза Боғланова, Кулаш Бойсаитова, Мукаррам Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева каби санъаткорлар билан бир даврга тўғри келди. Худди улар каби О. Шомуротова қадимий халқнинг янги санъати жарчиси сифатида шуҳрат қозонди.

Лекин бу шуҳрат сари йўл осон кечгани йўқ. 1936 йили Тошкентдан Қорақалпоғистонга бир гуруҳ санъат арбоблари — режиссёрлар, актёрлар, мусиқачилар, балетмейстерлар қорақалпоқ театрига ёрдам бериш учун келадилар. Улар орасида Комил Яшиннинг «Гулсара» асарини қўйишга бел боғлаган Зуҳур Қобулов ҳам бор эди. Гулсаранинг онаси Ойсара ролига яқиндагина, махсус тайёргарликсиз саҳнада ўйнай бошлаган ёш артист Ойимхон Шомуротова тавсия этилади. Иброҳим ўз хотини Ойсарани ўлдириши саҳнасида, актрисанинг қонга беланган юзини кўрган томошабинлар ўринларидан туриб: «Уни ўлдириб қўйди», дея қичқира бошлайдилар. Спектакл намойишида қатнашаётган ёш адабиётшунос Исмоил Сагитов ҳам асардан ғоят таъсирланиб, газетага мақола беради. Ё И.Сагитов ҳаддан зиёд таъсирланиш остида бўрттириб юборганми, ёки содда газетхонлар мақоланинг ҳақиқий мағзини тушуниб етмаганларми, хуллас, Ойимхоннинг ота-онасига «қизингиз ўлдирилди», деган гап етиб боради. Унинг саҳнага чиқишига норози бўлган ота-оналари, итоатсиз қизларига аза тутиб, оилани боқиб турган ягона сигирларини сотиб, укасини Тўрткўлга, опасини олиб келишга юборадилар. Қаршисида соғ-саломат синглисини кўриб турган ука ҳайратда қолади. Ҳаммаси ойдинлашгач, санъатнинг қудратига тан берган ота-она қизларининг гуноҳидан ўтадилар. Театрни деб уйдан қочиб кетган қизига санъат йўли ойдин бўлишини тилаб «оқ фотиҳа» берадилар. Бу Ойимхон учун қайта туғилиш эди.

Дарҳақиқат, О. Шомуротованинг бундан буёнги йўли ойдин бўлиб, шуҳрат пиллапояларидан юқорига қараб кўтарилаверди. Лекин ҳар қанча юқори кўтарилмасин, оиласини, фарзандларини (у етти фарзанднинг онаси эди), бир зум бўлса-да, унутмади. Санъат ва оила ташвишини икки елкасида баробар кўтарди. Бу борада немисларнинг «Нойе вельт» («Янги замон») журналидаги қайдлар эътиборлидир. Ўзининг бир сонини ёш республика ютуқларига бағишлаган бу журналда Ойимхон Шомуротова ҳақида ҳам мақола берилди. Журнал мухбирининг эътироф этишича, таҳририятга О. Шомуротова тақдиридан ҳайратланган кўплаб ўқувчилар мактуб йўллаганлар. Хусусан, унинг шундай катта оила бекаси бўла туриб, саҳнада муваффақиятларга эришаётганини немислар ақлларига сиғдиролмасдилар. Зеро, бу Европача дунёқараш тарзига мутлақо зид ҳолат эди. Европаликларнинг тасаввурида артистлик ижодий касб бўлиб, у шахс, ижод эркинлигини талаб этади, санъаткор оилавий икир-чикирларга ўралашиб қолмаслиги керак. Лекин Ойимхоннинг тақдири бу каби тасаввурларни чиппакка чиқарди. Ҳа, у ўз санъати билан Европани ҳам ҳайрон қолдирганди.

О. Шомуротованинг санъатдаги буюк ишлари, оиладаги тинчлиги, хотиржамлиги биринчи навбатда турмуш ўртоғига — ёзувчи Амет Шомуротовга боғлиқ! Ойимхон бу одамда ҳамишалик таянч, ишонч топди, эри унинг артистлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турди. Ҳар сафар радиодан: «Амударё» қўшиғи, Жапақ Шомуротов мусиқаси, Амет Шомуротов шеъри, Ойимхон Шомуротова ижро этади», деб эълон қилганларида унинг қалби фахр ва ҳайрат билан тўлиб-тошарди.

Ҳаётда О. Шомуротова ҳамма нарсага эришди: беқиёс ютуқлар, халқ эътирофи, гулдурос қарсаклар унинг йўлдоши бўлди. Лекин булар осонликча келгани йўқ. Зеро, машҳур санъаткорлар ҳаёти ҳамиша барчанинг диққат марказида туради: озгина хато қилишга, қоқилишга ҳаққи йўқ. Айниқса, эрининг вафотидан сўнг бахтли, тўкис аёл қиёфасини сақлаб қолиш жуда мушкул эди.

Лекин санъаткор ўзини йўқотиб қўймади. Чунки унда халқи олдида масъулиятни ҳис этиш туйғуси юксак эди, шодликда ҳам, ғам-ташвишда ҳам халқ билан бирга бўлиш қонқонига сингиб кетганди. Шунинг учун санъат ва оилани бирдек олиб боришга эришолди.

О. Шомуротова катта хонанда бўлиш билан бирга, бетакрор образлар силсиласини дунёга келтирган актриса ҳамдир. Ўзбек, қозоқ ва бошқа халқлар драматурглари асарларида кўплаб унутилмас образлар яратди. Улар орасида Боғдагул («Боғдагул»), Ойсара («Гулсара»), Бибихон («Бекжон фожеаси»), Гулпарчин («Алпомиш»), Равшан («Равшан»), Шоҳсанам («Ошиқ Ғариб»), Тўлғоной («Момо ер») каби ўзига хос образлар бор.



Лекин, барибир, унинг шуҳрати қорақалпоқ халқ қўшиқлари билан боғлиқ. Ойимхон Шомуротова ижодида қўшиқчилик алоҳида ўрин тутиши ҳам шундан. Унинг ижросидаги халқ қўшиқлари, мусиқали драмалардан ариялар, композиторлар асарларини одамлар севардилар, бир бор тинглашни орзиқиб кутардилар. Ойимхоннинг кенг далаларда микрофонсиз, кенгликларни жаранглатиб, тўлдириб айтган қўшиқларини одамлар ҳамон ҳаяжон билан эслайдилар. Унинг ижросида қорақалпоқ халқ қўшиқлари ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлди, мафтункорлик касб этди. «Бўзатов», «Арухан», «Соргол», «Аксунгул» оҳанглари мени болалигимдан мафтун этиб келади, мен уларни севаман, улардан ҳайратга тушаман, том маънода илҳом оламан», — деган эди О. Шомуротованинг ўзи бу ҳақда.

Санъаткор меҳнати самараси ўлароқ, кўпгина халқ қўшиқлари ҳамон ўз қимматини йўқотмай, ижро этиб келинмоқда. Бугун улар Гулпарчин Сиримбетова, Тамара Дошумова, Бибироби Ўтапберганова каби катта санъаткорлар ва ёш ижрочилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.

О. Шомуротова энг яхши композиторлар Жапақ Шомуротов, Абдураим Султонов, Олимжон Халимов, шоирлар — Амет Шомуротов, Иброҳим Юсупов, Жўлмурза Оймурзаев кабиларнинг асарларини куйларди.

Ҳа, қандай қўшиқ куйламасин, барини бирдек қойиллатиб ижро этарди, умрининг сўнгги йилларигача ҳам овозини яхши сақлаб қолганди. Зеро, Ойимхон Жапақ бахши, Эшон бахши, Аитжон Хўжалепесов каби устозларнинг шогирди эди. Ижодий йўлининг бошланишида эса Ибраим Патуллаев, Исмоил Қидиров, К. Мендибоев каби машҳур мусиқачилар ҳамроҳ бўлгандилар унга.

Кейинчалик эса машҳур ўзбек санъаткорлари билан ҳамкорлик ижодида янги-янги саҳифаларнинг кўпайишини таъминлади. У Тошкентда, Наманган, Қўқонда ва яна кўплаб шаҳарларда бўлар, ҳамма жойда ижодий ҳамкорлик риштлари боғланарди. Ўз уйида эса, Тамарахоним, Мукаррам Турғунбоева, Ботир Зокиров, Комилжон Отаниёзов, «Баҳор» ансамбли ва бошқа кўплаб ўзбек қардошларини мамнуният билан кутиб оларди. Шунингдек Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Зулфия, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом каби адиблар билан дўстона алоқада эди.

Ойимхон Шомуротованинг мақомларга меҳри бўлакча эди. Айниқса, Берта Давидова, Муножот Йўлчиева ижроларидан лаззат оларди. У мақомларни айтиш учун кучли овоздан ташқари, алоҳида ижрочилик маҳорати зарурлигини чуқур ҳис этарди. Шунинг учун ҳам мақом ижро этиш унинг учун эзгу орзулигича қолиб кетди...

Шундай бўлса-да, буюк санъаткор, бетакрор овоз соҳиби Ойимхон Шомуротова ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг севимли қўшиқчиси бўлиб қолди.

**Зулфия ШОМУРОТОВА,**
**филология фанлари номзоди**

# САДОҚАТ

*Қутлаймиз!*

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театрида не-не мўътабар санъаткорлар камол топганлар. Ўзбекистон халқ артистлари Ширин Мелиева, Ҳамрохон Омонова, Баҳодир Йўлдошев, Абдурауф Болтаев, Хосият Азимова, Хадича Бобохонова, номдор режиссёрлар Рихси Орифжонов, Неъмат Шомуродов, Зубайдулло Рўзиев, Мирзакарим Бобоев ва бошқалар бу театрнинг шуҳратини, эътиборини оширишда жонбозлик кўрсатишган. Икки-уч йилдан сўнг 80 йиллигини нишонлайдиган мазкур санъат даргоҳида, юқорида номлари қайд этилган етук санъаткорларнинг садоқатли издошлари самарали меҳнат қилишмоқда. Ана шундай садоқатли санъаткорлардан бири Иброҳим Нурмоновдир.



...Иброҳим ака асли гўзалкентлик. Оддий деҳқон оиласида вояга етган. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ саҳнага, санъатга меҳр қўйган эди. — Мактабимизда ҳаваскорлик тўгараги бор эди, — деб эслайди Иброҳим ака. — Катта байрамларга бағишлаб томошалар саҳналаштирардик. Ҳатто «Бой ила хизматчи»дан ҳам бир-икки кўринишни қўйгандик. Ўқувчилар орасида маҳоратим «устунроқ», жуссам йирикроқ бўлгани учунми, ўшанда менга Ғофир роли берилганди. Хуллас, мактаб саҳнасининг «етакчи артист»ларидан саналардим.

...Йиллар ўтди. Ўрта мактаб даргоҳи ортда қолди. Санъат, саҳна ишқи эса, Иброҳимжонни тобора ўзига ром этарди. Ҳарбий хизматдан қайтган Иброҳимжон Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти (айни пайтда Маннон Уйғур номидаги Санъат институти)нинг толиблари сафига қўшилди. 1965 йили драма ва кино актёри факультетини муваффақиятли тугатиб, Каттақўрғон шаҳар драма театрига йўлланма олди.

...Иброҳим Нурмонов саҳнада 50 дан ортиқ ранг-баранг ролларни моҳирона талқин этди. Иззат Султоннинг «Номаълум киши» драмасида халқ қаҳрамони Ниёз, Эгон Ранетнинг «Оқпадар» асарида Раэмек, Соҳиб Жамолнинг «Мазлум шарқ нидоси» драмасида Ҳамид, Саида Зуннунованинг «Она» асарида Латиф, М. Лермонтовнинг «Испанлар» фожиасида Соррини, Иззат Султоннинг «Имон» драмасида профессор Комилов, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор»ида Қиличбек кабилар шулар жумласидандир.

Айниқса, Иноят Махсумнинг «Навоий Астрободда» мусиқали драмасидаги буюк мутафаккир Алишер Навоий сиймоси узоқ йиллар Каттақўрғон саҳнасига файз киритди.

Изланувчан актёр саҳнадаги фаолиятини режиссёрликда ҳам синаб кўришга бел боғлади. 1983 йили Санъат институтининг режиссёрлик факультетини сиртдан битирди. Республикамизнинг йирик санъат даргоҳларида бир неча бор малака ошириб қайтди. Иброҳим Нурмонов ҳозирги кунгача Каттақўрғон драма театрида элликка яқин асарни муваффақиятли саҳналаштирди. Улар орасида Ҳамзанинг «Ишқ қурбонлари», Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор», Уйғуннинг «Зебуннисо», Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Садриддин Айнийнинг «Сўдхўрнинг ўлими», А. Островскийнинг «Гўзал эртак», А. Вампиловнинг «Тўнғич ўғил», Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», Азим Суюн ва Суҳбат Абдулланинг «Эзгулик ва ёвузлик (ёҳуд «Қаюмарс авлодлари»)» Яздон Худойқуловнинг «Суд», Ўлмас Умарбековнинг «Ўзинг учун ўл етим», Самариддин Сирожиддиновнинг «Давр ўғлони» каби асарлари бор.

Истиқлол жарчиси, эркcевар шоир Чўлпоннинг «Ёрқиной» афсонавий драмаси шоир таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Каттақўрғон театрида муваффақиятли саҳналаштирилди Бинобарин, спектакл режиссёри Иброҳим Нурмоновнинг катта қобилият соҳиби экани яна бир бор ўз исботини топди.

Моҳир актёр, иқтидорли саҳна муаллими ўнлаб санъат ошиқларига устозлик қилди. Бир неча йил Абдулҳамид Мажидий номидаги театр фаолиятига раҳбарлик қилди, санъат даргоҳининг бош режиссёри сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Театр санъати ривожидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, 1992 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Иброҳим ака ибратли оиланинг бошлиғи, садоқатли умр йўлдоши Галина Нурмонова ҳам узоқ йиллардан бери шу театрда саҳна безакчиси, фарзандлари Алишер, Ойдиной эса турли соҳаларда меҳнат қилишади.

Олтмишинчи баҳорни қаршилаётган Иброҳим Нурмонов айни кунда ҳам Каттақўрғон театрининг саҳна муаллимларидан бири. Ижод, изланишни сусайтиргани йўқ. Бугун устоз санъаткорга:

— Бор бўлинг, бардам бўлинг, саҳнадаги фаолиятингизга барака, — деймиз.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ,**
**Мэлс ТОШЕВ**

# КЕЛАЖАК ИЛМУ УРФОН ВА ИСТИҚЛОЛДА

**(Боши иккинчи бетда)**

Ал-Хоразмий ҳатто мусиқага оид рисола ёзгани ҳақида ҳам маълумот етиб келган. Ҳа, у қомусий билимлар эгаси бўлган. Буюк аждодимиз ҳақида бирмунча тўхтаб ўтишдан мақсадимиз Бағдоддаги Маъмун академиясининг оламшумул шуҳрат қозонишида ал-Хоразмий ва унинг сафдошлари бўлмиш туронлик, туркистонлик, жумладан, хоразмлик олимларнинг бемисл хизматларини бир эслатиб ўтишдир.

Маълумки, тарихда араб маданияти ёки ислом маданияти деб аталган цивилизацияда туркий халқларга мансуб олимларнинг ҳам улкан ҳиссалари бўлганлиги каби Араб халифаликларида туркий қавмларга мансуб давлат ва ҳарбий арбоблар муҳим ўрин эгаллаганлар. Кўпинча лашкарбошилар, сарой гвардиячилари туркий халққа мансуб кишилар бўлишган. Улар вақти келиб аввал ҳарбий ҳокимиятни, кейин эса сиёсий ҳокимиятни ҳам қайта қўлга киритишган. Шу тариқа салжуқийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳларнинг буюк давлатлари — салтанатлари вужудга келган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, илму урфоннинг равнақ топиши учун қудратли давлат ҳокимияти, ривожланган иқтисод ва, албатта, илм ва ижод аҳлига ҳомийлик қилувчи давлат бошлиғи керак. Салжуқий, ғазнавий ва хоразмшоҳ сулолаларига мансуб султонларнинг аксарияти илму фан, адабиёт ва санъат, маданият равнақига давлат миқёсида ҳомийлик қилишгани ҳақида ибратли тарихий маълумотларга эгасиз. Мақоламизда асосий сўз Хоразм ҳақида бораётгани сабабли тилга олинган сулолалардан бири хоразмшоҳлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш билан чекланамиз.

Хоразмшоҳ — Хоразм ва унинг таркибига киритилган мамлакатларда ҳукмдорлик қилган кишиларнинг унвонидир. 4та сулола вакилларига шундай унвон берилган. Булар Африғийлар (305—995), маъмунийлар (995—1017), Олтинтош (1017—1034) ва Ануштагин (1097—1231) сулолаларидир. Уларнинг сўнгги вакили — Жалолиддин Мангубердидир.

Айниқса, Хоразмшоҳ Маъмун ва Хоразмшоҳ Маъмун II ибн Маъмун замонида Хоразм давлатининг қудрати ошади. Мамлакат пойтахти Урганч йирик фан ва маданият марказига айланади. Маъмун академияси очилади, унда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абулхайр, Ибн Мискавайх, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий, Абу Саид Шабибий, Абулҳасан Маъмун ва бошқа йирик олимлар, шоирлар, адиблар, таржимонлар фаолият кўрсатадилар. Булар орасида ҳозирги замондошларимизга маълуму машҳур бўлганлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синодир десак янглишмаймиз. Берунийнинг қомусчи олим бўлганини, Ер куррасининг шарқий палласи мавжуд экан, Ғарбий палласи ҳам бўлиши шарт эканини назарда тутиб, илк бор Америка қитъасини назарий кашф этганини яхши биламиз, Ибн Синонинг мумтоз «Тиб қонунлари» кўп жилдлик асарлари билан танишмиз, унга «Шайх ул-раис» унвони берилганидан ҳам хабардормиз. Бироқ, юқорида тилга олинган ва бу рўйхатда исмлари ёзилмаган бошқа олимларнинг фаолияти кам ўрганилган, илмий мерослари ҳали оммалаштирилмаган. Демак, Президент фармонида таъкидлаб ўтилганидек, қайтадан ташкил этилаётган Хоразм Маъмун академиясининг асосий илмий ва ташкилий вазифаларидан бири қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилишдир. Шу ўринда бир ривоятнамо ҳақиқатни, бундан минг йил аввал амалга оширилган илмий ва жисмоний жасоратни тилга олиб ўтамиз. Ҳозирги кунда «Биринчи космонавт ким бўлган?» деб кимдан сўраманг, дарҳол «Юрий Гагарин» деб жавоб беради. Атоқли олим, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода олтмишинчи йилларнинг ўрталарида ал-Беруний ҳақида янги асар ёзиш учун манбалар кўраётиб, ал-Фаробий, ал-Берунийларга замондош Исмоил ал-Жавҳарий исмли аждодимизнинг ўзи ясаган қанотлар билан парвоз қилгани ҳақидаги маълумотни учратиб қолади ва бир шеърий асарида халқимиз тилидан сўзлаб, бу ҳақда «Ал-Жавҳарий фарзандим самога учганди» деган мисрани қўшиб ўтади фахр билан. Маълум сабабларга кўра, балки халқимизнинг миллий ғурури кучайишига таъсир этишидан чўчиб, балки Юрий Гагарининг шуҳратига «соя» солиши мумкин, деган ўйга бориб, бу асарнинг босилишига рухсат берилмайди. Шу тариқа Исмоил ал-Жавҳарийнинг илми ва жасорати кенг жамоатчиликка маълум бўлмай қолаверади. Яқинда туркиялик олим, профессор Усмон Туроннинг «Туркий халқлар мафкураси» китобида Исмоил ал-Жавҳарий фаолиятига доир маълумотларни, жумладан, «Физика билан шуғулланган Жавҳарий ўзи ясаган қанотлар билан учишни машқ қилаётиб йиқилади ва шу жароҳати таъсирида оғриб вафот этади» деган сатрларни учратдик. Суҳбатда бу далилни ўзбек олими профессор Омонулла Файзуллаев ҳам тасдиқлади. Демак, эндиги вазифаларимиздан бири ал-Жавҳарийдек буюк аждодларимизнинг бой меросини ҳар томонлама ўрганиш ва кенг оммага маълум қилишдир.

Ушбу Фармонда Хоразм Маъмун Академиясида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб бориш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу — бугунги қамров. Келгусида соҳалар кўпайиб, улар ёнига математика, астрономия фанлари ҳам қўшилса ажаб эмас. Зеро, Хоразм жаҳонга буюк математик ва астрономларни етиштириб берган ўлкадир.

Фармонда Хоразм Маъмун Академияси — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими — Хива шаҳрида тузилаётган бу замонавий Байтул ҳикма — донолар уйи олдига катта ва муҳим вазифалар, жумладан, илм-фан соҳасидаги қадимги улуғ мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъдодли олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самарадорлигини юксалтириш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари даражасида мувофиқлаштириш; олий малакали ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш; кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш каби юмушлар қўйилди. Шунингдек, унда халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Шу ўринда ал-Берунийнинг фан тарихига умумбашарий бирлик нуқтаи назаридан ёндошиш, илм-фан ютуқлари билан бошқа халқ олимларини ҳам таништириш лозимлиги ҳақидаги фикрларини эслаб ўтишни жоиз деб биламиз.

Хоразм Маъмун академиясининг айни Хива шаҳрида қайта ташкил этилиши жуда ўринлидир. Президент Ислом Каримов Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида халқимиз, ватанимиз, давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига юксак баҳо берди: «Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар — миллатимизнинг ифтихори бўлмиш гўзал Хивамиз дунё тургунча турсин!»

Кўҳна Хива! Истиқлол шарофати — янги Академия муборак бўлсин!

*Кўҳна созлар тарихидан*

# РУҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўтмиш мусиқа намуналари гарчанд сақланмаган бўлса-да, қадимий оҳанглар таратувчи сеҳрли кўҳна созлар асрлар оша, авлоддан-авлодга ўтиб, инсониятни сеҳрли садолари билан ром этиб келмоқда. Уд, қонун, танбур, дутор, най, сурнай, карнай, ноғора каби миллий чолғуларимизнинг оҳанграбо садоларида халқимизнинг қалб туйғуларини, ҳиссиётларини, табиати ва руҳиятини ифода этувчи сеҳрли куч мавжуд.

Мусиқий чолғуларнинг инсоният ҳаёти, тараққиёт тизимидаги улкан маънавий ўрни бадиий адабиёт намояндалари томонидан муносиб таърифланиб, тарих зарварақларида зикр этилган. Хусусан, ғижжакнинг нолалар чекиши, танбурнинг мафтункор садолари, чангнинг илтижоли наволари, уднинг оромбахш нағмалари, рубобнинг беғубор тароналари, қонуннинг ақлхуш ихтиёрини забт этишга қодирлиги ва қўбизнинг самовий оҳанглар таратиш имкониятлари ўзига хос ифодасини топган. Шулар орасида кўҳна соз бўлган қонун алоҳида ўрин тутади.

Бу чолғу айрим сабабларга кўра кўп йиллар давомида истеъмолдан чиқиб қолганига қарамай, охирги 20 йил ичида қайта тикланди. Халқимиз орасида оммалашиб, мукаммаллиги ва бой имкониятларини оҳанглар орқали намоён этишга муяссар бўлди. Ҳар бир мусиқа чолғуси ижрочилик амалиётида чарxланиб, халқнинг табиатига ва анъанасига мос ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб, миллий соз сифатида шаклланади. Алишер Навоий таъбири билан айтганда — «кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади». Зеро, қонун ҳам ана шундай қалбларни ром этиш хусусиятига эга бўлган жозибадор чолғуларимиздан биридир.

Қонун чолғусига доир тарихий маълумотларни кўпроқ Шарқ бадиий адабиёти асарларида ва уларга чизилган миниатюраларда, мусиқий, рисолаларда кўрамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, созларни таъриф этган ҳар бир ўтмиш намояндаси, аввало, замонасидаги энг илғор мусиқа асбобларининг турли хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Кўпгина чолғуларнинг ибтидоий шаклланиши узоқ ўтмишдан бошланган бўлса-да, қонун илк бор IX—X асрда яшаб ўтган аллома Абу Наср Форобийнинг мусиқий рисоласида зикр этилган. Аллома мусиқа рисолаларида ўз даврининг етук чолғулари ҳақида ёзади. Улар орасида «маъазиф» номли чолғу бўлиб, алломанинг ёзишича, чолғуга бир нечта симлар тортилган. Ҳар бир сим муайян овоз чиқариш учун хизмат қилган. Ижро эса бармоқлар орқали амалга оширилган. Чолғунинг ниҳоятда гўзал товушини ҳамда арфанинг садоланишига ўхшашлигини қайд этади. Лекин, қонун ибораси XII аср мусиқашунос олими Сафиуддин Урмавийнинг мусиқа илмига бағишланган «Китаб ул-Адвор» ва «Шарафия» рисолаларида баён этилган. Кейинги даъво мусиқашуносларнинг фикрича, Ал Форобий ўз рисоласида айнан қонун созини таърифлаган ва бу соз кейинчалик араб ибораси билан қонун номида машҳур бўлган.

Рисолаларда баён этилган қонун ҳозиргидек кўринишда бўлиб, шаклан катта-кичиклиги ва айрим бурчакларининг ёйсимонлиги билан фарқ қилади. Илк қонунда 13 товуш, яъни учланган 33 сим мавжуд бўлган. Асосан олхўри дарахтидан тайёрлангани ҳам эътиборга олинган. Лекин шу давр чолғулари орасида қонунсимон «нузҳа» номи билан юритиладиган соз ҳам мавжуд бўлиб, унинг таърифи ҳам ўзига хос тарзда баён этилган. Ёзишларича, нузҳа сози қонунга нисбатан катта, шаклан узунчоқ тўрт бурчакдан иборат бўлган. 100 дан ортиқ симлар тортилиб, ижро услуби ва овоз таранннуми қонун чолғусига ўхшаб кетган. Даврлар давомида, ижрочилик амалиёти жараёнида нузҳа истеъмолдан чиқа бошлаган. Қонун эса аксинча, халқ орасида кенг оммалашиб, такомиллашиб келган. XIV—XV асрларга келиб қонун энг илғор чолғулар қаторидан жой олган. Шу давр алломаси Абдулқодир Мароғий «Мусиқа илмида мавжуд куйлар» («Жами ал-алҳон фи-илм альмусиқа») рисоласида қонунни қуйидагича таърифлайди: — «Қонун чолғуси трапеция шаклга эга, чолғу овозини турли хусусиятлар билан таъминловчи шаклга эга, чолғу овозини турли хусусиятлар билан таъминловчи махсус резонатори мавжуд. Унга 72 та сим тортилган бўлиб, 24 товуш маълум товушқатор тизимида жойлаштирилган». Кўҳна созларга кўпроқ табиий ипдан ва ичакдан тайёрланган симлар тортилган. Лекин шу давр қонунига мис симлар тортилган.

Қадимда ҳар бир моҳир созанда номига чолғусининг номини, устоз хонандаларга эса ҳофиз иборасини қўшиб айтиш расм бўлган. Шу боис биз тарихда Қулмуҳаммад Удий, Дарвиш Али Чангий, Али Дўсти найи, Турди ҳофиз каби бир қатор санъат намояндалари ижодини тасаввур этамиз. Қонун ижрочилиги ҳам халқ орасида кенг оммалашгани ва ижрочиларининг моҳирлиги қатор созандаларнинг «қонуний» тахаллусини олишларига сабаб бўлган. Улардан Устод Абдусаттор қонуний, Дарвеш Аҳмади қонуний, Сафиуддин Турди қонуний, Ҳофиз Бабай қонуний, Ҳожи Жаъфари Самарқанди қонуний, Мавлоно Қосим қонуний каби моҳир ижрочиларни тилга олиш мумкин.

Замонавий жараёнда қонун сози араб, турк, арман, озарбойжон, ўзбек ва тожик халқлари ижрочилик анъаналарида мавжуд. Уларнинг шаклан мутаносиблиги ва товушлар, яъни симлар ҳажми Абдулқодир Мароғий давридаги чолғуларга хос бўлса-да, мукаммаллаштирилган. Ҳар бир товуш тараннум этувчи симлар — ярим, чорак ва бир тонга кўтарилиш ва пасайтиришга мўлжалланган мосламалар билан таъминланган. Улар ёрдамида турли товушқатор тизимлар тузилиб, барча Шарқ халқлари куйларини ижро этишга имкон яралади. Фақат ҳозирги қонун чолғуларига кўпроқ табиий ёки сунъий иплар тортилади. Бу қонун садосининг ўзига хос жарангини таъминлайди.

Кўҳна созларимиздан бири бўлган қонун сержило оҳанги, майин ва жозибали овоз манбаи, бой имкониятлари билан қайта тикланиб, халқимиз дилидан жой олди. Мусиқий чолғуларимиз қалб туйғуларини тараннум этиш, қадриятларимиз — анъаналаримизни давом эттиришда маълум восита бўлиши билан бирга, миллий маънавиятимиз, руҳиятимиз кўзгуси ҳамдир.

**Абдураҳмон ХОЛТОЖИЕВ,**
**М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат Консерваторияси катта ўқитувчиси**

# БУЮК МУСАВВИР ХОТИРАСИ

Чингиз Аҳмаровнинг Ўзбекистон тасвирий санъатига қўшган ҳиссаси бебаҳо ва бетакрордир. У бадиий маданиятда профессионал ифодавийлик сарчашмасида турган рассомлардан бири.

Бироқ Чингиз Аҳмаровнинг асосий хизмати ҳамда ғоят улкан ютуғи ўрта аср миниатюра санъати анъаналарига мурожаат қилганида бўлди. 1941-1945-йилларда Алишер Навоий номидаги театр биноси ички безакларини ишлаш давридаёқ Ч. Аҳмаров ўша вақтларда ҳукмрон бўлган соц. реализм услубидан воз кечади. Ўз даврига нисбатан бу жасорат эди. Ўзбек миллий санъати равнақини олдиндан кўра билган Чингиз Аҳмаров бундан 50 йил муқаддам станокли ва маҳобатли рангтасвир санъатига Марказий Осиё санъатининг ўзига хослигини таъминловчи манзаравийлик принципини олиб кирди. Бу ўзига хосликлар энг аввало, композицияларнинг текислигида, яссилигида кўзга ташланади. Манзаравийлик принципи шундайки, унда соф бўёқлар кескин қарама-қаршиликда таққосланади. Суратлар чизиқларидаги мусиқийлик ва равонлик Аҳмаров асарларининг асосий ўзига хос жиҳатидир. Аҳмаровнинг барча тур ва жанрларда яратган асарларида истеъдоди ва маҳорати яққол кўзга ташланиб туради. У китоб ҳам безади, кинофилмларга кийимлар нусхаларини чизди, рангтасвирда ҳам, маҳобатли ижод йўналишида ҳам маҳоратини бирдек намоён этолди.

Чингиз Аҳмаров 40-йилларда асос солган услубий йўналишни санъатшунослар анъанавий ўтмишга қаратилган деб номладилар. Номланишининг ўзиданоқ кўриниб турибдики, мусаввир Марказий Осиё бадиий маданиятининг бой тасвирий меросини ўрганиш ва таҳлилий тушунишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам уни соц. реализмдан чекинганликда айблаб, қаттиқ танқид остига олдилар. Аммо вақт ўтиши билан Чингиз аканинг ҳақлиги исботланди.

Чингиз Аҳмаровнинг энг юксак хизматларидан бири 1980 йилларда локли миниатюра мактаби равнақига қўшган ҳиссасидир. Бинобарин, бугун шу соҳада ишлаётганларнинг кўплари Чингиз аканинг дуосини олган ижодкорлардир.

Устоз санъаткор бутун умрини санъатга бахшида этди, бир умр тинимсиз ижод қилди. Ўзбек халқининг ҳақиқий фарзанди бўлган Ч. Аҳмаров миллий маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшди. У араб тилини жуда яхши биларди. Алишер Навоий ҳамда бошқа ўрта аср Шарқ шоирлари ижодининг катта билимдонларидан эди. Шунингдек, санъат тарихи ва назариясини ғоят пухта биларди.

Ч. Аҳмаров том маънода халқ рассоми эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир асари халқ орасида кенг ёйилиб, севимли бўлиб кетди. Лекин, барибир, назаримизда бу буюк санъаткор хотирасини абадийлаштириш йўлида қилинадиган ишлар талайгина. Қабри устида ёдгорлик қўйилиб, Тошкент кўчаларидан бирига унинг номи берилса, яхши бўларди. Мусаввирнинг уй-музейини ташкил этиш эса кун тартибидаги асосий масалалардан бўлиши керак.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик институтида Чингиз Аҳмаров ижодига бағишланган илмий конференция ўтказилди ҳамда мусаввир ишларидан иборат кўргазма ташкил этилди. Конференцияда мусаввирнинг ўзбек миллий маданиятига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида гап борди. Биз Чингиз Аҳмаров шогирдлари ҳамда тадқиқотчиларининг бу санъаткор хотирасини абадийлаштиришга бўлган интилишлари самарасиз қолмайди, деган умиддамиз.

**Гулсара БОБОЖОНОВА,**
**санъатшунослик номзоди**

